



**NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR
LOYIHASINI ISHLAB CHIQISH VA
KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON TIZIMI**

ID-5395 (V-2)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори

**Йўл ҳаракати Қоидабузарликларини жарима баллари асосида
баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, шунингдек, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати Қоидаларига амал қилиш борасидаги масъулияти ва маданиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **Қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 январдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–1033-сон Қонунига мувофиқ:

йўл ҳаракати Қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тартиби жорий этилганлиги;

транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати Қоидаларини бузганлик учун транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига нисбатан жарима балларини ҳисоблаш уларни асосий жазодан озод этмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Йўл ҳаракати Қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

транспорт воситасини бошқариш жараёнида йўл ҳаракати қоидабузарликларини содир этиш ҳолатларини жарима баллари асосида баҳолаш тартиби;

йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш жадвали;

ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганда, жарима балларини ҳисоблаш тартиби;

ҳайдовчилар томонидан жарима баллари ҳисобланиши бўйича муурожаат қилиш тартиби.

3. Белгилаб қўйилсинки:

йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қўшимча чора ҳисобланади;

мазкур тизимнинг босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш мақсадида, жарима баллари транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан фақат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар асосида ҳисобланади;

йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун жарима баллари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими **“Е-jarimaball” модули орқали** (кейинги ўринларда **“Е-jarimaball” модули**) инсон омилисиз автоматлаштирилган тартибда ҳисоблаб борилади;

ўн икки ой мобайнида йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган транспорт воситалари ҳайдовчиларига рағбатлантириш тариқасида, кейинги даврда йўл ҳаракати қоидаларини биринчи марта бузганлиги учун биринчи жарима бали ҳисобланмайди;

ҳайдовчиларнинг охириги ҳуқуқбузарлиги учун жарима бали ҳисобланган вақтдан бошлаб, улар **олти ой давомида** йўл ҳаракати

Қоидабузарликларига доир бошқа ҳуқуқбузарлик содир этмаган тақдирда, унинг умумий жарима балларидан икки жарима бали айириб ташланади. Агар ҳайдовчилар жарима балларининг умумий миқдори икки жарима балидан кам бўлган тақдирда, барча жарима баллари айириб ташланади ҳамда жарима балларини ҳисоблаш муддати биринчи ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдан янгидан бошланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимида ҳайдовчиларнинг шахсига аниқлик киритиш имконияти яратилгандан кейин, ушбу тизим орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича жарима балларини ҳисоблаш амалиётини жорий қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган хулосани киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **2025 йил 1 майга қадар:**

а) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганда, уларга жарима балларини ҳисоблашнинг “E-jarimaball” модулини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

Бунда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ўзининг жарима баллари ҳақидаги маълумотларни “E-jarimaball” модули ва махсус мобиль илова ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имкониятини яратсин;

транспорт воситалари ҳайдовчилари-нинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганликлари учун тўплаган ҳар бир баллари ҳақида, уларнинг мобиль алоқа воситаларига бу ҳақда “SMS” хабар юбориш орқали огоҳлантириш тартибини жорий қилсин;

жарима баллари асосида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг электрон маълумотлар базасини жорий этсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун тўплаган жарима баллари тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинишини таъминлаш учун Олий суднинг тегишли ахборот тизимларига тақдим этиш тизимни яратсин.

в) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чоратадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Мазкур қарор 2025 йил 1 майдан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А.Ташпулатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. Арипов

Вазирлар

МаҲкамасининг

2025 йил “___” _____ даги _____-сон Қарорига
илова

**Йўл Ҳаракати Қоидабузарликларини жарима баллари
асосида баҲолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1-боб. Умумий Қоидалар

1. Мазкур Низом транспорт воситасини бошқариш жараёнида йўл Ҳаракати Қоидабузарликларини содир этиш Ҳолатларини жарима баллари асосида баҲолаш, жарима балларини Ҳисоблаш, Ҳисобланган жарима баллари бўйича мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда кодекс) 34¹-моддасида кўрсатиб ўтилмаган йўл Ҳаракати Қоидабузарликларига доир моддаларга;

Ўзбекистонда вақтинча бўлиб турган ёки транзит Ҳаракатланиб ўтаётган чет эл транспорт воситаларининг Ҳайдовчиларига;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро (давлатлараро, Ҳукуматлараро) ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатхоналари, шунингдек, ушбу ваколатхоналар ва ташкилотларнинг Ҳайдовчиларига (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслар, ушбу ташкилотларнинг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари бўлган Ҳолатлар бундан мустасно).

3. Ҳайдовчиларнинг йўл Ҳаракати Қоидаларига амал қилмаслик Ҳолатлари ўн икки баллик жарима баллари асосида мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ўн икки ой давомида баҲолаб борилади.

Бунда, кодекснинг 125-моддаси учинчи ва бешинчи Қисмларида, 126-моддасида, 127-моддаси биринчи Қисмида, 128³-моддасида, 128⁴-моддаси иккинчи Қисмида, 128⁵, 128⁶, 128⁸, 128⁹, 129, 130-моддаларида, 137-моддаси биринчи Қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан мазкур моддаларда назарда тутилган асосий жазо билан бирга мазкур Низомда белгиланган тартибда жарима баллари ҳисобланади.

4. Жарима баллари ҳайдовчилар биринчи қоидабузарликни содир этган кундан бошлаб кейинги йилнинг шу кунига қадар амалда ҳисобланади (кейинги ўринларда – жарима балларини ҳисоблаш даври).

Жарима балларини ҳисоблаш даврида жами жарима баллари ўн икки баллга етмаса, тўпланган баллар кейинги жарима балларини ҳисоблаш даври учун ҳисобланишига йўл қўйилмайди ва жарима балларини ҳисоблаш янгидан бошланади.

2-боб. Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганда, жарима балларини ҳисоблаш тартиби

5. Ҳайдовчилар томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима баллари **фақат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар асосида** мазкур Низомнинг 2-иловасидаги жадвалда келтирилган балларни қўшиб бориш йўли билан ҳисобланади.

6. Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жарима баллари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими “Е-jarimaball” модули (кейинги ўринларда “Е-jarimaball” модули) орқали инсон омилсиз автоматлаштирилган тартибда ҳисобланади.

7. Ҳайдовчилар ўзининг жарима баллари ҳақидаги маълумотларни исталган пайтда “Е-jarimaball” модули ёки махсус мобиль илова орқали олишлари мумкин.

Ҳайдовчилар томонидан содир этилган Қоидабузарликлар саккиз жарима балига тенг бўлганда, улар бу ҳақда “E-jarimaball” модулида шаклланган маълумотлар асосида автоматлаштирилган тарзда мобиль алоқа воситаларига “SMS” хабар юбориш йўли билан огоҳлантирилади.

8. Йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланган жарима баллари миқдори бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолларда ҳайдовчиларнинг қоидабузарликлари тўғрисидаги маълумотлар (электрон маъмурий баённомалар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари орқали жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазони қўллаш учун жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига инсон омилисиз автоматик тарзда электрон юборилади.

Бу ҳақда ҳайдовчилар, мобиль алоқа воситаларига “E-jarimaball” модули орқали “SMS” хабар юбориш йўли билан огоҳлантирилади.

Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги ҳолати юзасидан эътироз билдирилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишлар кўриб чиқиш учун судларга юборилганда, жарима баллари судларнинг якуний қарорларига асосан ҳисобланади.

Суд томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган деб топилса, жарима баллари ҳуқуқбузарлик содир этган кундан бошлаб ҳисобланади.

Суд қарори билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор бекор қилиниб, ҳайдовчи маъмурий жавобгарликдан озод этилса, ушбу қоидабузарликлар бўйича ҳайдовчига жарима баллари ҳисобланмайди.

Бунда суднинг қарори “E-jarimaball” модулига юкланади ва бекор қилинган ҳуқуқбузарлик бўйича қайд этилган жарима бали автоматик тарзда ҳисобдан чиқарилади.

9. Ўн икки ой мобайнида йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ҳайдовчиларга рағбатлантириш тариқасида, кейинги жарима балларини ҳисоблаш даврида содир этган биринчи йўл ҳаракати қоидасини

бузганлиги учун биринчи жарима бали ҳисобланмайди. Бунда улар жазодан озод этилмайди.

Ҳайдовчиларнинг охириги ҳуқуқбузарлиги учун жарима бали ҳисобланган вақтдан бошлаб, улар олти ой давомида мазкур Низом 3-банди иккинчи хатбошисида кўрсатиб ўтилган кодекснинг моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этмаган тақдирда, уларнинг умумий жарима балларидан икки жарима балли айириб ташланади.

Бунда ҳайдовчиларнинг жарима баллари умумий миқдори икки жарима баллидан кам бўлган тақдирда, барча жарима баллари айириб ташланади ҳамда жарима балларини ҳисоблаш муддати биринчи ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдан янгидан бошланади.

3-боб. Жарима баллари бўйича мурожаат Қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби

10. Ҳайдовчилар жарима баллари бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги Маъмурий амалиёт маркази ва Худудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари маъмурий амалиёт марказларига (кейинги ўринларда Марказлар) қонунчиликда белгиланган муддатларда мурожаат қилишлари мумкин.

11. Ҳайдовчиларнинг жарима баллари бўйича мурожаатлари марказлар ёки мазмунидан келиб чиққан ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тегишли бўлинмалари (кейинги ўринларда бўлинмалар) томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

12. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида Марказлар ёки бўлинмалар қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

муурожаатни қаноатлантириш тўғрисида;

муурожаатни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарорни бекор қилиш тўғрисида;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатиш тўғрисида.

13. Марказлар ёки бўлинмалар томонидан қуйидаги ҳолларда мурожаатни қаноатлантириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарорни бекор қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади:

жарима балларини ҳисоблашда техник хатолик юз берганлиги аниқланганда;

жарима баллари мазкур Низом талабларини бузган ҳолда ҳисобланганда;

ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб топилганда;

маъмурий иш Кодекснинг 271 ёки 329-моддаларига мувофиқ тугатилганда.

14. Мурожаатларда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаган тақдирда, Марказлар томонидан мурожаатни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

15. Ҳайдовчилар Марказларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарор юзасидан юқори турувчи органларга ва (ёки) судга шикоят қилишлари мумкин ҳамда ушбу органларнинг қарорлари жарима балларини ўзгартиришга асос ҳисобланади.

4-боб. Яқунловчи қоида

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Йўл ҳаракати
қоидабузарликларини жарима баллари асосида
баҳолаш тартиби
тўғрисидаги низомга

1-илова

**Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида
баҳолаш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	“E-jarimaball” модули орқали	Хайдовчиларга биринчи қоидабузарлик содир этилган кундан бошлаб жарима баллларининг ҳисобланиши бошланади.	Биринчи қоидабузарлик содир этилган кундан бошлаб кейинги йилнинг шу кунига қадар
2-босқич	“E-jarimaball” модули	Хайдовчилар томонидан содир этилган қоидабузарликлар бўйича ДЙҲХХ ходими томонидан расмийлаштирилган баённома “E-jarimaball” модулига автоматик тарзда киритилади. Содир этилган қоидабузарлик саккиз баллга тенг бўлганда, бу ҳақда хайдовчининг мобиль алоқа воситасига “SMS” хабар юбориш йўли билан хайдовчи огоҳлантирилади. Олти ой давомида йўл ҳаракати соҳасида бошқа ҳуқуқбузарлик содир этмаган хайдовчиларнинг умумий жарима балларидан икки жарима бали айириб ташланади.	Йил давомида Жарима саккиз баллга етганда Сўнгги жарима балли қайд этилган санадан олти ой ўтгач
3-босқич	“E-jarimaball” модули	Жарима баллари ўн иккидан ортганда йўл ҳаракати қоидаларини бузган хайдовчиларнинг ҳужжатлари маъмурий жазо қўллаш учун судларга юборилади ва бу ҳақда улар “SMS” хабар орқали огоҳлантирилади. Хайдовчилар жарима баллари бўйича Марказларга мурожаат қилишлари мумкин.	ДЙҲХХ томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Мурожаат қонунчиликда белгиланган муддатда кўриб чиқилади
4-босқич	Суд	ДЙҲХХ томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.	Белгиланган муддатда

Ҳаракати Қоидабузарликларини
жарима баллари асосида баҳолаш тартиби
тўғрисида низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик
тўғрисидаги кодексининг
Ҳайдовчилар томонидан содир этилган йўл Ҳаракати
Қоидабузарлиги учун
жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддалари ва
жарима
балларининг миқдорлари тўғрисидаги Ж А Д В А Л

МЖтКнинг моддаси рақами ва номи	МЖтК жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддаларнинг диспозициялари	Белгиланган жарима балллари миқдори
125-модда Транспорт воситаларидан фойдаланиш Қоидаларини бузиш	(учинчи қисм) Ҳайдовчиларнинг тормоз тизимида, руль бошқарувида ёки уловчи қурилмада носозлиги бўлган ёхуд тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқариши	0,5

МЖТКнинг моддаси рақами ва номи	МЖТК жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддаларнинг диспозициялари	Белгиланган жарима балллари миқдори
	(бешинчи қисм) Фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини, худди шунингдек давлат рақам белгиси ўзбошимчалик билан ечиб олинган транспорт воситаларини бошқариш	1
126-модда Кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (Қорайтирилган) ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган Қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш	(биринчи қисм) Техник регламентга мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (Қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек Ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган Қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки Қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш, бундан ойналар тусини ўзгартириш (Қорайтириш) учун тегишли рухсатнома берилган транспорт воситалари мустасно	0,5

МЖТКнинг моддаси рақами ва номи	МЖТК жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддаларнинг диспозициялари	Белгиланган жарима балллари миқдори
	(иккинчи қисм) Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	1
127-модда Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш	(биринчи қисм) Товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек уларни ўзгартириб ўрнатиш	0,5
128 ³ -модда Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши	(биринчи қисм) Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юбориши	0,5
	(иккинчи қисм) Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ,	1

МЖтКнинг моддаси рақами ва номи	МЖтК жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддаларнинг диспозициялари	Белгиланган жарима балллари миқдори
	лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юбориши	
	(учинчи қисм) Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг белгиланган Ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ, лекин 60 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юбориши	1,5
	(тўртинчи қисм) Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг белгиланган Ҳаракат тезлигини соатига 60 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юбориши	2
128 ⁴ -модда Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл Ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи	(иккинчи қисм) Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл Ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши	1

МЖТКнинг моддаси рақами ва номи	МЖТК жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддаларнинг диспозициялари	Белгиланган жарима баллари миқдори
ишорасига бўйсунмасдан тўхташ чизиғини босиб кириши ва ўтиши		
128 ⁵ -модда Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг халақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг Қарама-Қарши Ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиши	(биринчи қисм) Тезкор ва махсус хизматларнинг кўк ёки Қизил ёхуд кўк ва Қизил рангли ялтироқ маёқчани ёққан ҳолда ҳамда махсус товушли сигнал билан яқинлашиб келаётган транспорт воситалари тўсиқсиз ўтиб кетиши учун транспорт воситалари Ҳайдовчилари томонидан халақит бериш	0,5
	(иккинчи қисм) Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг йўлнинг Қарама-Қарши Ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати Қоидаларини бузган ҳолда чиқиши, худди шунингдек авария ҳолати юзага келишига сабаб бўлган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа	2

МЖТКнинг моддаси рақами ва номи	МЖТК жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддаларнинг диспозициялари	Белгиланган жарима балллари миқдори
	Қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизлигини ёхуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўзга чораларни кўришга мажбур қилувчи Ҳуқуқбузарликни содир этиши	
128 ⁶ -модда Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш Қоидаларини бузиши	Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш Қоидаларини бузиши	0,3
128 ⁸ -модда Транспорт воситасида одам ташиш Қоидаларини бузиш	(биринчи қисм) Одам ташиш Қоидаларини бузиш	0,5
	(иккинчи қисм) Автобус ва микроавтобусларда ички ишлар органларининг Ҳамроҳлигисиз одам ташиш, агар уларнинг Ҳамроҳлигида одам ташиш шарт бўлса	0,5

МЖТКнинг моддаси рақами ва номи	МЖТК жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддаларнинг диспозициялари	Белгиланган жарима балллари миқдори
128⁹-модда Транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузиш	Транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузиш	1,5
129-модда Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши	Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши	2
130-модда Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши	Транспорт воситалари Ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши	1
137-модда Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш	(биринчи қисм) Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг белгиланган қоидаларни бузган	2

МЖТКнинг моддаси рақами ва номи	МЖТК жарима баллари Ҳисобланиши белгиланган моддаларнинг диспозициялари	Белгиланган жарима балллари миқдори
	Ҳолда Ҳодиса юз берган жойдан кетиб Қолиши	